

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида фаолият юритаётган етук мутахассислар меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аёллар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш борасида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.

***Суратда: Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳиддинова Марказий қўмита мутахассислари билан ўзаро фикрлашмоқда.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.**

# "ГУЛНОРА" ЗАРДЎЗЛАРИ

***Очиқ юзли, истараси иссиқ, серғайрат, ўзига ва ўзгаларга ҳамиша яхшилик тиловчи бу аёлнинг қайсидир фазилати маъқул келса керакки, хонадонидан яхши инсонлар қадами узилмайди. Улар Гулнора чеварнинг қўлида сайқалланган зардўзи кийим-кечакларни, шарқона дид билан тикилган либосларни томоша қилгани, лозим бўлса, буюртма бергани ташриф буюришади.***



Гулнора асли бухоролик, 1998 йили Жиззах шаҳрига келин бўлиб тушган. Шу йилиёқ «Гулнора зардўз» фирмасини ташкил этди. Ўтган қисқа муддатда ўттиз нафардан зиёд қизларга зардўзлик ҳунарини ўргатди. У шогирд танлашга алоҳида эътибор беради. Асосан ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бошини силади.

— Ҳунарли хор бўлмайди, - дейди у бўлажак шогирдига. — Муҳтожликни фақат меҳнат билан енгиш мумкин. Касбингни севсанг, унга ихлос қўйсанг, рўзғоринг бут, турмушинг ширин бўлади.

Гулнорахоннинг маслаҳатига амал қилаётган кўпчилик ёшлар ҳунарли бўлиб, айни чоғда мустақил ишлашмоқда. Уларни шаҳарнинг деярли барча маҳаллаларида, қўшни Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Дўстлик туманларида учратиш мумкин. Айни пайтда фирмада 45 нафар қиз зардўзлик ҳунарини, тикувчиликни ўрганмоқдалар.

— Устозим йўлидан бориб, - дейди Гулнора, — мустақил равишда келин-куёвлар либоси, ҳар хил дўппилар, бешик жилдлари, ёстиқлар, дарпардалар тикаётирман.

«Жиззахлик» маҳалласи яшовчи тикувчи Дилнора Юсупова ҳам Гулноранинг бу гапини тасдиқлади. Тикувчи ва зардўз қизлар ҳунар ўрганибгина қолмасдан, ойига ўртача 18-20 минг сўм маош олишларини ҳам айтишди. Муҳими шундаки, иш ўрганувчиларнинг кўпчилиги 9-синфни тугаллаган қизлар.

Уларга вилоят маҳаллий саноат бошқармаси томонидан гувоҳнома ҳам берилади.

Г.Бозорова ўз маҳсулотлари билан шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг вилоят босқичида унинг меҳнати муносиб тақдирланиб, «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди. Республика беллашувидан диплом билан қайтди.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги шарафига «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида Тошкентда ўтган фестивал тадбиркор ҳаётида туб бурилиш ясади. Гулнора фестивалда махсус дипломни қўлга киритди.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар хорижникидан кам эмас, - дейди Г.Бозорова. — Чет эллик меҳмонлар кўзидаги ҳайрат, ҳавас ва иштиёқни кўриб, бу ҳақиқатга яна бир карра иқрор бўлдим. Ҳали кўрасиз, ўзбек ҳунармандлари нималарга қодирлигини дунёга қайта намоён этишади.

Бухоро зардўзлик санъатининг етмишдан зиёд ноёб усулларидан энг маъқулларидан танлаб, элга манзур этаётган ҳунарманд Гулнора Бозорова ва унинг зардўз қизларининг нияти халқимизнинг яхши кунларига, тўй-томошаларига хизмат қилишдир. Улар ўз фаолиятларини янада кенгайтириб, янги-янги цехлар барпо этиб жорий йилда яна қўшимча 150 иш ўрнини очишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**Жўра МАМАТҚУЛОВ.**
**Суратларда: «Гулнора зардўз» фирмаси чеварлари.**



*Аёл ва Она мудом эзгулик тимсоли, мураббий ва комил инсон тарбиячиси саналиб келади. Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаати ва ҳуқуқларини пухта ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис*

## ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

*аёлларимиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ислоҳотларни изчил амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда Хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. Йиғилишда талаба ёшлар, таниқли олим ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

*Сўзга чиққанлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга аёллар муҳим ҳисса қўшаётгани, университетнинг битирувчи қизлари ҳам бу хайрли ишга камарбаста бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.*

*(ЎзА).*

# КЎРИБ ҲАВАС ҚИЛАСИЗ

***Кейинги йилларда Сариосиё туманидаги болалар боғчаларида аҳвол яхши томонга ўзгарди. Илгарилари саноқли боғчаларгина туман халқ таълими бўлими ихтиёрида эди. Ҳозир эса уларнинг аксарияти давлат бюджетига ўтказилди. Натижада боғчаларни таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур техникавий жиҳозлар билан таъминлаш тубдан яхшиланди. Бу борада маҳалла-кўй, ота-оналар, саховатпеша кишилар ҳам қараб туришмаяпти, баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар.***

Туманнинг «Аэропорт» мавзесида жойлашган «Қалдирғоч» болалар боғчаси мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ фаолият юргизиб келади. Ҳозир у «Боғча-мактаб мажмуа»-га айлантирилиб, 157 нафар бола тарбияланиш билан бир қаторда билим олиш бахтига ҳам муяссар бўлмоқдалар.

Беш ёшдан бошлаб етти ёшгача бўлган болалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда компьютер сабоқларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Кези келганда боғча Халқ таълими вазирлиги томонидан 11 та компьютер билан таъминланганлигини таъкидлаш лозим.

Боғча фидойилари ўтган йили ўз меҳнатлари маҳсулидан баҳраманд бўлишди. Вилоятда бўлиб ўтган кўрик-танловда боғча тарбия ва таълим тизимини ҳамда ободончилик ишлари намунали йўлга қўйилганлиги учун «Диплом» ва 300 минг сўм пул билан тақдирланди. Бу мудира Шарофат Хўжаева ва Ўғилой Норбоева, Шоира Нормуродова, Мавжудахон Тошматова сингари ўқитувчилар, услубчи Гулнора Холмуродова, тарбиячи Матлубахон Нурматоваларнинг меҳнатига берилган муносиб баҳо ҳамдир.

Дарвоқе, тумандаги тадбиркор аёллар саъй-ҳаракати билан бир пайтлари эътиборсиз боғчаларда ҳам ҳаёт қайнамоқда. Хусусан, Дилбархон Сафарова 105 ўринга мўлжалланган боғчага мудира бўлиб келгач, бу даргоҳда манзара кескин ўзгариб кетди. Маҳалла ва ота-оналар, қолаверса, кўзи ожизлар жамияти ҳам қўл қовуштириб турмади.

Ҳозир бу ерда 75 нафар болажон 7нафар тарбиячи томонидан тарбияланмоқда.



**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.**
**Суратда: (чапдан ўнгга) ҳамшира Меҳринисо Мирзаева, "Гулдаста" болалар боғчаси мудираси Бахтинисо Темирова, тарбиячилар Алима Бобожонова, Гулсора Жўрақулова эртанги иш режалари хусусида фикр алмашмоқда.**

***Бир қарашда шоира, журналист Қутлибека Раҳимбоеванинг шеърлари, мақолалари жуда оддий, содда жумлалардан иборатга ўхшайди. Аммо уларни ўқиган ўқувчи яхши ҳамроҳга дуч келгандай, сеҳрли оламга чўмгандай ҳис этади. Бу ҳиссиёт илдизи шоиранинг самимиятида, қувончу ҳаяжонларида халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқлигидадир.***

***«Юрагимда кўрганларим», «Узун кундузлар», «Уйғониш фасли», «Озодлик» шеърий тўпламлари муаллифи Қутлибека бугун таваллуд кунини нишонламоқда. Ўзига азиз туйғулар билан шоирамиз ҳамиша бирга бўлишини тилаймиз.***

# УЙҒОНИШ ФАСЛИ



Аслида яхшиликларга интилиб, ширин умидлар билан яшаётган инсон учун йил фаслларининг бари бир-биридан азиз. Биз шўх тўлқинларни муз-биллур ойнаклар остига бекитиб, аёздан асрайдиган эҳтиёткор қишни ҳам, ўзини аямай бор оловларини сочиб, мева, экин-тикинларга ҳаёт бахш этувчи ёзни ҳам, муниса, маҳзуна кузни ҳам бирдай меҳр-муҳаббат билан яхши кўрамиз. Аммо барибир, баҳор бошқача... Баҳорни бошқача интизорлик билан кутамиз. Етмишми, саксондан ошган момоларнинг юз-кўзларига ҳам бир ажиб нур томади. Кўчалардан болакайларнинг: «Бойчечагим, бой...лан...ди» деган овозлари кумушдай жаранглаб эшитилса, «Ё пирим» дея нуронийлар ҳам хассасига суяниб, ўрнидан туради.

Бойчечакларни манглайига теккизиб: «Омонлик, сомонлик» дея пичирлайди, «етказганингга шукур», дейди.

Ҳаёт қувончу ташвишлари аро шамолдай елиб келаётган Аёлчи? У қалдирғочдек чуғурлаётган гўдагини етаклаб боғчага кетаётиб, йўлакда «лов» этиб ёнган қизғалдоқни дарров илғайди, қувониб кетади. Қизғалдоққа гўдаги бошига энгашгандай энгашиб: «Вуй, жимитча-ей, чиройлилигингни сани» дейди. Ҳа, уйғониш фаслини ҳамма ҳис этади. Тирик табиатнинг бир бўлаги эканимизни яна ҳам аниқроқ сеза бошлаймиз. Булутлари юпқа тортиб, кенгайиб бораётган осмонга монанд юракларимиз кенгаяди. Шалоладай отилаётган тўлқинлар каби кўнглимизга қўзғолиш келади.

Ватан мустақиллигининг ўн биринчи баҳори, опа-сингилларимизнинг байрамини ана шундай кечинмалар билан қарши олаяпмиз. Озодлик минг имкони кашф этилган Аёлнинг минг биринчи имконини ҳам кашф этмоқда.

«Ўзбекнинг Марияси» деб шуҳрат қозонган Машҳурахонимни олайлик. Мустақиллик уни қайта яратди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган қонуний асослар унда ўзига ишонч уйғотди. Фақат «Машҳура»ни машҳур қилиб қолмай, бутун мамлакат бўйлаб «машҳурачилик» ҳаракатига ҳавас уйғотди унинг муваффақиятлари. Ҳар бир туман ва қишлоқларда тикувчилик цехлари очила бошлади.

Қўқонлик тадбиркор Дилором Умархонова ҳам яқин-яқинларда «Дилором» деб номланган фирма очиб, миллий тўй либосларини тикиб, кўргазмалар ташкил этаётганидан хабардор эдик. Унинг қадим Қўқон аёллари либосларидан жило олиб, замонавий услубда тикаётган тўй кийимларига қизиқиш кучайгандан-кучайди. Оддийгина, қорачадан келган, камсуқум бу аёл ўзи ва шогирдлари муваффақиятидан руҳланди. Ўтган йили Қўқон шаҳри Вақф-Чорсу маҳалласи қошида «Она ва бола маркази»-ни очди. Чеварчиликдан бошланган фаолият маиший ҳолат, кайфиятдан чиқиб, ижтимоий салмоқ, аҳамият касб этаётгани қанчалар қувонтиради одамни.

«Қўқон шаҳар тадбиркор аёллари 114 миллион сўмлик кредит олиб, 415 та янги иш ўрни, Бешариқ тумани 23 миллион сўмлик кредит олиб, 69 та иш ўрни, Бувайда тумани 20 миллион сўмлик кредит олиб, 71 та иш ўрни яратганлар». Бу рақамлар Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Маърупованинг бир суҳбатда айтганлари. Ва бу рақамлар Қўқоннинг латиф теграсидаги ишбилармон аёллар ҳаётининг кўзгуси, демак, Самарқанду Бухорода, Хоразму Жиззахда — юртимизнинг барча тарафларида уларнинг ўхшашлари бор.

Аёлни бежиз гулга ўхшатмайдилар. Шунчалик шаҳду шижоати билан ҳам у барибир нозик хилқат, нафис яралмиш. Шунинг учун у ҳамиша ҳаммадан меҳр кутаверади.

— Бизда ҳомиладор аёллар етти ойдан эмас, беш ойдан туғруқ таътилига чиқадилар, - дейди Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ўғилой Усмонова. - Ички имкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир корхона, ташкилотнинг касаба уюшмалари ўз ишчи-хизматчи аёллари учун шундай енгиллик яратишга эришди. Бундан ташқари, биз қишлоқ хўжалигида ишлайдиган хотин-қизларни коржомалар билан таъминлаймиз. Баҳор қуёши, ёз иссиғи, ер заҳидан асрайдиган бу кийимлар табиий матолардан тикилган.

Ўғилой опанинг эътирофи бизда инсонга, Аёлга янгича бир муносабат шакллана бошлаганини далиллайди. Бу шунчаки эътибор, шунчаки ғамхўрлик эмас. Бу инсон қадр топаётгани, уни аввало ишчи кучи эмас, инсон деб эъзозланаётганидан.

— Йигирма йилдан буён маориф соҳасида ишлайман, - дейди бошланғич синф муаллимаси, II даражали «Соғлом авлод» ордени соҳибаси Моҳидил Каримова. - Бугунги болалар бутунлай бошқача. Авваллари кичкинтойлар учтўрт соат сабоқ ўқишарди. Нари борса, уйига бориб, ярим соатми, бир соатми дарс қилишарди. Биз ҳам шунга яраша тайёргарлик кўрардик. Бугун уларнинг қанчаси дарсдан сўнг қўшимча дарсларга, қанчаси тўгаракларга қатнайди. Телевизордаги шахмат, спорт, санъат дарслари, радио, газеталардаги дарслар... Эҳ-ҳе, ўқувчиларим шошириб ташлашади баъзан. Биз ҳам уларнинг рўпарасида ўргатувчи, муаллима номимизга лойиқ туришимиз учун муттасил ўрганишимиз керак бўлаяпти. Ўрганиш-ўргатиш жараёнида ўзимиз ҳам мукаммалликка интилаяпмиз чоғи...

Ҳа, Моҳидил лутф қилмаяпти, ҳеч нарсани бўрттираётгани ҳам йўқ. Ҳақиқатдан ҳам бугунги ўзбек Аёли ўз интилишларидан ўзи куч олиб, юксалмоқда.

— Буни қарангки, - дейди ажойиб овозли ҳофиза, «Шарқ тароналари» фестивалида «Шарқ булбули» мақомига муяссар бўлган Насиба Сатторова, - бизнинг хонандаларимиз дунёдаги барча халқлар қўшиқларини ижро қила олар экан. Узоққа бормайлик, Муяссар Раззоқова италянча ашулаларни қойиллатиб куйлайди, ҳинд, эрон, араб, француз қўшиқларини чиройли ижро этадиган санъаткорларимиз бор. Аммо бизнинг мақомларимизни ҳеч бир халқ, ҳатто санъатнинг энг баланд чўққисидаги халқлар ҳам бутун бўй-эни билан англаб, тушуниб куйлашга имконлари етмас экан.

Мен Насибахоннинг ғурурини тушунаман. Ҳақиқатан ҳам, минг, миллион йилдан буён халқимизнинг бахту бахтсизликларини бағрига жо этиб келаётган, улуғ миллий руҳият кўзгуси бўлган мумтоз ашулаларимизни ижро этиш учун шу тупроқдан бунёд бўлмоқ керакдир, балки. Балки, ўзимизгагина аён сеҳр-синоат бордир мақомларимизда...

Бугунги Аёл олами ана шундай ўй-фикрлар, фахру ғурурлардан рангинлашмоқда, тиниқлашмоқда. Ҳа, унинг салоҳияти, уйғотиш қудрати ҳақиқатлардан кўра афсоналар, ривоятларда кўпроқ келтирилган.

...Эмишки, жангу жадал пайтида бир юртнинг минг нафар йигити ўзга элга асир тушибди. Йигитларнинг эгаси аввалига кўп куйибди, вақт ўтгач, умид боғлабди. «Оз эмас, кўп эмас, минг йигит бўлса ... наҳот, бандиликка кўниб юраверса, бир йўлини топиб, юртга қайтишар» деб ўйлабди. Маълум муддат ўтгач, хуфия жўнатибди.

— Йигитларни жуда оғир заҳматга ташлашган. Авваллари оёқлари кишанли бўлишган. Бора-бора улар бу ҳолатга кўникиб кетишган. Ҳозир оёқлари банди бўлмаса-да, худди аввалгидай судралиб юришади. Уларнинг ранглари заъфарон, кўзлари, қорачиғларида нур йўқ,- деган эзғин бир хабар билан қайтибди хуфия.

Ҳукмдорнинг маликаси хўжасининг қаттиқ қайғуга чўмганини сезиб:

— Агар ижозат берсангиз, йигитларингизни юртимизга қайтаришнинг йўлини мен айтсам, - дебди.

Ҳукмдор изн берибди ва ўша ўлкага овози беҳад гўзал, қўнғироқдай жаранглаган бир аёлни жўнатибдилар. Аёлни асирлар ишлаётган кон қаршисида қолдириб, кузатувчилар нарироқда пойлашибди. Аёл алла айта бошлабди. Бир маромдаги ҳаётга кўникиб қолган бандиларнинг юраклари уммондай қўзғала бошлабди.

***Сиртлон болам, алла,***
***Қоплон болам, алла,***
***Сен «инга»лаб тушган юрт,***
***Гул-гулистон, алла...***

Кунлар ўтаверибди, аёл ҳар тонг қуёш билан баробар келиб, шом тушгунча алла айтар экан.

— Оҳ, онамни соғиндим! - деб ўртанибди йигитлардан бири ногоҳ.

— Мен ҳам!

— Уйимиз, боғимизни кўргим келяпти!

— Анҳорларимиз, дарёларимиз ёдимга тушди!

Инсоннинг энг катта қудрати — соғинч. Соғинч уни безовта қилади, жонлантиради, ўрнидан турғизади.

— Бўлди, бас, ортиқ чидай олмайман! - дебди биттаси.

— Турдик! - дебди иккинчиси.

— Бир бошга бир ўлим, - дебди учинчиси...

Улар қўзғалибди, «ишлайверади-да, кўникишди» деб бемалол юрган соқчилар ғафлатда қолибди...

Ҳа, аллада, Аёл алласида шундай оҳанрабо бор, куч бор.

Тинч, озод, дориломон замонларда ҳам Аёл алла куйлаб тургани яхши. Кўнгилларни уйғотиб, туйғуларни тирилтириб тургани яхши. Шунда одам боласининг ҳиссиётлари янгиланиб туради. ... Қаранг, ҳозир ҳам кимдир қўшиқ айтаётгандай, ажиб бир қўшиқ:

***Кўзларимга илоҳий бир***
***назар келди,***
***Қулоғимга жаранглаб***
***хушхабар келди,***
***Юрагимга зафар келди***
***саҳар келди,***
***Ўзбекистон тупроғига***
***баҳор келди.***
***Қишнинг қора аёзлари***
***унутилмоқда,***
***Қизғалдоқлар чўққиларга***
***интилмоқда,***
***Тош қирғоқлар***
***ёмғирлардан***
***кемтилмоқда,***
***Ўзбекистон тупроғига***
***баҳор келди.***

Балки, бу бир шоир лаҳжасидаги Ватан овозларидир. Ахир, Ватанни ҳам Она деймизку. Демак, бу байрамлар, бу мунаввар онлар ҳаммамизники! Анови шабадаларда нозланиб-нозланиб очилаётган чечаклар, гул ҳидларидан атирланиб, тўлқинлари умбалоқ ошаётган сойлар, «Келажаги буюк давлатмиз» деб куйлаётган қизалоқлар, фариштамонанд йўлга ҳозирланган оналар, хиноли, ўсмали келинчаклар, келинглар, ҳаммамиз бу онларни, бу илинжлар, бу умидлар, бу орзуларни бирга байрам қилайлик!..

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

# ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОР

## Лавҳа

***Шарофатхон қадам ранжида қилиши билан хонадондан ғамандуҳ чекингандек бўлди. Шифокорнинг қордек оппоқ халати, ипакдек майин овози, ширин табассуми билан гўё нажот фариштаси кириб келгандек эди.***

Шифокор кафтини беморнинг манглайига текизиб юз-кўзини силади. Кейин, қон босимини ўлчаб, томиридан дармондори юборди.

— Айтарлик касалингиз йўқ, - деди Шарофатхон беморнинг ёстиғини хиёл баландлатиб унга далда бераркан. - Фақат бироз толиққансиз, муолажаларни ўз вақтида олсангиз тез кунда ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Беморнинг юзига қизиллик югуриб кўзини очди. Чеҳрасида табассум ёйилгандек бўлди...

Шарофатхон 20 йиллик шифокорлик фаолиятида қанчадан- қанча хаста дилларга малҳам, одамлар дардига дармон бўлди, саломатлик улашди. Қўрғонтепа туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли поликлиникада бўлим бошлиғи бўлиб ишлаш билан бирга ўзига бириктилган Оғаҳий, Исмоилов кўчаларидаги хонадонларга бирма-бир юриб, оналар ва болалар соғлигини назоратдан ўтказди. Ёш оналар билан фарзанд тарбияси борасида суҳбатлар уюштириб, уларга йўл - йўриқлар кўрсатди. Ҳатто туман марказидан анча олисда бўлган «Савой» қишлоғи аҳли ҳам қанча йўл босиб уни йўқлаб келишади. Шарофатхон улардан ширин сўзи, билим ва тажрибасини аямайди.

Унинг қўлидан шифо топган меҳнат фахрийси Қўчқор ота Бакиров шундай дейди:

— Оиламиз қизил империя даврида жабр чекканлардан. Кўзимнинг оқу қораси бўлган ёлғиз ўғлим Афғон урушида ҳалок бўлди. Бу жудоликка чидай олмай ётиб қолдим. Шарофатхоннинг ширин сўзи мени қайта яшашга ундади.

Оғаҳий кўчасида яшовчи Мавлудахон Умарова эса дил сўзларини шундай изоҳлайди:

— Шарофатхон Насриддиновадан бир умр миннатдорман. Кенжа қизим Муаттархоннинг соғ-омон дунёга келишида унинг хизмати беқиёсдир. Шунинг учун ҳам уни ҳамиша қўлинг дард кўрмасин, дея дуо қиламиз.

Шарофатхон олий тоифали шифокор бўлиши билан бирга ёшларнинг меҳрибон, айни пайтда талабчан устози ҳамдир. Акмалжон Ҳайдаров, Турсуной Мирзакаримова каби шогирдлари бугун эл дардига дармон бўлмоқдалар.

Ишхонада қўли енгил шифокор; оиласида тадбиркор бека, меҳрибон она. Турмуш ўртоғининг фожиали ўлимидан кейин у икки ўғлини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялади. Айни кунда фарзандлари Муҳаммадулла, Ҳамидулла эл ишига камарбаста.

— Аёллар нафақат ўз оиласининг, балки жамиятнинг кўркидир,- дейди Ш. Насриддинова. - Уларнинг соғлиғи эса миллатнинг бебаҳо бойлиги. Негаки, фақат соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Мунис оналаримиз, азиз опа-сингилларимизни 8 Март - Хотин-қизлар байрами ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.







**Жондан азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

## Азизу муҳтарама хотин-қизларимизни — 8 март баҳор байрами билан самимий қутлайди!

*Барчангизга соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият, бахту саодат тилайди. Сиз ва фарзандларингиз саломатлигини мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишингиз учун барча қулайликларга эга бўлган шифо масканларимиз ҳамиша мунтазир.*



# Ўзбекистон Республикаси Акционерлик-тижорат «Пахта Банк»и

**Азиз ва меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимизни 8 март баҳор айёми, яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади!**

***Яратувчилик ишларингизда яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин.***

**«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир.**

